*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

## Биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланган шахсларнинг жазо ўташ шароитларини либераллаштириш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов) икки ойлик муддатда ушбу масалада барча зарур чора-тадбирларни амалга оширсин ва Бош прокуратура (Р.Қодиров) билан биргаликда мазкур Фармоннинг 1-банди ижросини таъминлаш тартибини ишлаб чиқсин.

3. Бош прокуратура (Р.Қодиров) Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов) ва Адлия вазирлиги (А.Полвонзода) билан биргаликда, озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлаш ҳамда уни ўташ тартиби ва шароитларини белгиловчи қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш ҳақидаги таклифларни бир ойлик муддатда ишлаб чиқсин ва тақдим этсинлар.

4. Мазкур Фармон ижроси устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Азизов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 26 сентябрь.

## «Биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланган шахсларнинг жазо ўташ шароитларини либераллаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига

## ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 50-моддасига биноан, биринчи марта қасддан унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятлар содир этган шахслар умумий тартибли, ўта оғир жиноятлар содир этганлар эса, муқаддам судланганларга тенглаштирилган ҳолда, қаттиқ тартибли колонияларда жазо муддатини ўтамоқдалар.

Биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланганларни нисбатан чегараланган шароитда ва шу билан бирга муқаддам судланган шахслар билан бирга сақлаш кўпинча уларнинг тузалиши ва қайта тарбияланиши жараёнига салбий таъсир кўрсатади.

Масалан, биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланган шахслар одатда уларни озодликдан маҳрум этиш жойларида қайта тарбияланишига ижобий таъсир кўрсата оладиган, нисбатан мустаҳкамроқ оилавий ва бошқа фойдали ижтимоий алоқаларга эга бўладилар. Аммо, қаттиқ тартибли колонияларда жазо ўтаётиб улар амалдаги қонунчиликка биноан, умумий тартибли колонияларда жазо ўтаётганларга нисбатан қариндошлари ва яқинлари билан бирмунча кам мулоқотда бўлиш (учрашув, посилка, йўқлов олиш, телефон орқали сўзлашиш) ҳуқуқига эгадирлар.

Бундан ташқари, биринчи марта судланганларнинг узоқ муддат давомида жазони ижро этиш жойларида бир неча маротаба жазо ўтаган шахслар билан бирга бўлишлари ҳамда бу муҳитда муқаддам судланганларнинг таъсири кенг бўлиши, уларда келгусида жамият учун зарарли дунёқараш ривожланишига шарт-шароит яратади.

Баён этилганлар инобатга олинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ва жиноий қонунчиликни либераллаштиришнинг навбатдаги босқичи жараёнида, унча оғир бўлмаган жиноят содир этиб, биринчи марта судланган шахслар озодликдан маҳрум этиш жазосини манзил-колонияларида, ўта оғир жиноят содир этиб, биринчи марта судланганлар эса умумий тартибли колонияларда ўташлари мақсадга мувофиқ деб топилди.

Шу муносабат билан Юртбошимиз томонидан Бош прокуратура, Ички ишлар ва Адлия вазирликларига ҳамкорликда, бир ойлик муддатда, тегишли қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳақида топшириқ берилди.

Бир вақтнинг ўзида, Ўзбекистон Республикаси Президенти, жиноят содир этган шахсларга судлар томонидан тайинланган жазоларни камайтириш ёки бошқа тарзда енгиллаштириш бўйича Конституцияда кўзда тутилган ҳуқуқидан фойдаланиб, ҳозирда жазо ўтаётган, биринчи марта судланган шахслардан унча оғир бўлмаган жиноятлари учун озодликдан маҳрум этилганларни умумий тартибли жазони ижро этиш колонияларидан манзил-колонияларига, ўта оғир жиноятлар учун эса - қаттиқ тартибли колониялардан умумий тартибли колонияларга ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шундай қилиб, унча оғир бўлмаган жиноятлар учун биринчи марта озодликдан маҳрум этилган шахслар жазони ўташ даврида оилаларидан деярли ажралмаган ҳолда, уларни нафақат моддий жиҳатдан таъминлаш, балки фарзандлари тарбиясида иштирок этиш имкониятига ҳам эга бўладилар. Ўта оғир жиноятлари учун биринчи марта судланган шахслар билан тарбиявий ишларни олиб боришда жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг иштирок этиш имконияти ҳам кенгаяди.

Юқорида қайд этилган шахсларни енгилроқ тартибли колонияларга ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган тартибда 2004 йилнинг 1 февралига қадар амалга оширилади.

## Транспарентлик — давр талаби

*ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ (ЎзА мухбири В.НИКОЛАЕВ).*

Журналистлар ва давлат тузилмалари матбуот хизматларининг самарали ҳамкорлиги масалалари "Демократия шароитида ҳукумат ва транспарентлик муаммолари" мавзуидаги халқаро конференциянинг асосий мавзуси бўлди. Уни Конрад Аденауэр номидаги жамғарма Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати ва Халқаро журналистларни қайта тайёрлаш маркази (Ўзбекистон) билан биргаликда ташкил этди.

Учрашувда Қирғизистон, Тожикистон республикалари президентлари матбуот хизматлари, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари, вазирликлар ва идоралар матбуот хизматлари вакиллари иштирок этди.

Конференциянинг очилишида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот котиби, профессор Рустам Жумаев демократик жараёнлар ривожлангани сари транспарентлик, яъни ҳукумат тузилмалари ва уларнинг матбуот хизматлари фаолиятининг ошкоралиги муаммолари янада долзарб аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Матбуот хизматлари оммавий ахборот воситалари орқали вазирликлар, идоралар, жамоат ташкилотлари фаолиятини ҳар томонлама ва ҳаққоний акс эттириши лозим.

Сўнгги икки йилда Ўзбекистонда вазирликлар, идораларнинг институционал матбуот хизматларини шакллантиришга эришилди. Улар давлат хизматининг муҳим бўғинларидан бирига айланди. Эндиликда яратилган тизим ва оммавий ахборот воситалари ўртасида, улар орқали эса аҳолининг кенг қатламлари билан самарали ҳамкорлик ришталарини ўрнатиш вазифаси олдинга чиқмоқда. Чунки бундай алоқа фуқаролик жамиятининг муҳим таркибий қисмидир.

Сўзга чиққанлар журналистларнинг ахборот олиш имкониятларини кенгайтириш муаммоларини айниқса қизғин муҳокама қилди, ижодий алоқаларни мустаҳкамлаш, тажриба алмашиш зарурлиги ҳақида гапирди. Жумладан, ГФР федерал матбуот идораси ва матбуот миллий бали фаолияти ҳақидаги маълумотлар қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотди.

# ХАЛҚ РИЗҚИ, ДАВЛАТ БОЙЛИГИ

*пахта хомашёсини талон-торож қилиш, айниқса, уни республикамиздан ташқарига ноқонуний олиб чиқиб кетиш жиноятдир*

(Давоми. Боши 1-бетда).

ги «Избоскан» ширкат хўжалигининг пудратчиси Дониёр Деҳқонов 10 гектар майдондан 29,8 тонна ўрнига 32,4 тонна қимматбаҳо саноат хомашёсини йиғиштириб олди. Энди бу шоввоз 50 центнерлик марранни эгаллашни кўзлаяпти.

Ушбу хушхабардан, табиийки, мен ҳам мамнун бўлдим. Боиси, аввало, пахта — бу халқ ризқи, давлат бойлиги. Ундан уйилган хирмон қанчалик юксак, салмоқли бўлса, мамлакатимизнинг иқтисодиёти шунчалик қудратли бўлади, аҳолининг турмуш даражаси эса янада яхшиланади. Қолаверса, Дониёр Деҳқоновга ўхшаган бир сўзли, фидойи пахтакорлар нафақат Андижон вилоятида, балки бутун республикамизда беҳисоб. Улар бор экан, «оқ олтин»нинг бир мисқоли ҳам ерда қолмайди, бариси давлат қабул пунктларига топширилади. Чунки ҳақиқий деҳқон биладики, у ўзининг пешона тери ҳисобига, йил — ўн икки ой мобайнида қилган машаққатли меҳнати эвазига етиштирилган. Меҳнатнинг меваси эса ғоят ширинки, деҳқон уни биринчи навбатда ўз фарзандлари, ўз халқига илинади.

Шулар ҳақида ўйларканман, ногаҳон Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасидан олинган маълумотномани эсладим. Унда, жумладан, шундай дейилганди: «2003 йилнинг 10 сентябридан 21 сентябрига қадар 8 та ҳолатда 358,517 сўмлик 2077 килограмм пахта республикадан ноқонуний равишда олиб чиқиб кетилаётганда ушлаб қолинди». Буни ўқиган иймон-эътиқодли, ўзини Ўзбекистон фуқароси ҳисобловчи ҳар кишининг энсаси қотиб, ғазаби қайнаши тайин. Келинг, мисолларга мурожаат этайлик.

Мўминжон Деҳқонбоев билан Одина Холмирзаева Наманган вилояти, Учқўрғон туманидаги Қирғизқўрғон қишлоғида, Холида Эгамбердиева эса шу тумандаги Қўғай қишлоғида яшайди. Ҳаммаси оилали бўлиб, бири 24, иккинчиси 33, учинчиси 42 ёшда. Улар «Мустақилликнинг 7 йиллиги» ширкат хўжалиги ва «Қўғай» жамоа хўжалиги далаларидан 11,115 сўмлик 57 килограмм пахтани теришга терадилар-у, уни ана шу жамоаларнинг хирмонига топширмасдан, дала йўллари орқали пиёда қўшни Қирғизистон Республикасига ноқонуний равишда олиб ўтишга ҳаракат қиладилар. Бироқ Наманган вилояти божхона бошқармасининг «2-Учқўрғон» ва «5-Учқўрғон» постлари, ИИБ ходимлари ҳамда чегара аскарлари томонидан учаласи ҳам ушлаб қолинди. Ҳозир суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Фарғона туманидаги Лоғон қишлоғида истиқомат қилувчи Эхтибор Ибрагимов ҳам Алишер Навоий номли жамоа хўжалигининг 9-бригадаси пайкалидан териб олган 12615 сўмлик 65 килограмм пахта ҳосилини елкасига ортмоқлаб Қирғизистонга олиб ўтмоқчи эди, афсуски, божхоначиларнинг тузоғига илинганини ўзи ҳам сезмай қолди. Бу ҳолат юзасидан ҳам суриштирув ишлари ўтказилмоқда.

Энди Жиззах томонлардан эшитайлик.

20 яшар Турсунмурод Сафаров Гагарин шаҳрилик, Тошкент агроиқтисодиёт коллежида сиртдан ўқийди. У 12 сентябрь куни «Газ-69» русумли, давлат белгиси 13 Е 5313 бўлган автомашинада 85 минг 800 сўмликдан зиёд нақд ярим тоннага яқин чигитли пахтани айланма йўллар орқали ноқонуний равишда Қозоғистон Республикасининг Махтарал туманига олиб ўтиб сотмоқчи бўлади. (Турсунмурод шунча миқдордаги пахтани Мирзачўл туманидаги Абай номли ширкатлар уюшмаси пахтазоридан териб олган экан). Аммо унинг нияти ушалмади. Жиззах вилояти божхона бошқармасининг 1-сонли «Гагарин» пости ходимлари бунга тўсқинлик қилишди.

20 сентябрь куни эса шу божхона пости ходимлари Турсунмуроддан-да «учар»ни ушлаб қолдилар. У — Мирзачўл туманидаги «Янги дала» ширкатлар уюшмасида яшовчи Шароф Мўминов эди. Шароф шу тумандаги «Феруз» фермер хўжалиги даласидан терилган 56 минг 550 сўмлик 290 килограмм пахтани «Урал» мотоциклида Р. Ҳайдаров номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги айланма йўллар билан Қозоғистон Республикасининг Махтарал туманига ўтказмоқчи бўлганди...

Ўзингиз айтинг: уларни, ўроқда йўқ, машоқда йўқ, аммо деҳқон меҳри ила етиштирилган пахтани ўғирлаб сотиш ҳисобига ҳакалак отган нафсини қондириш илинжида юрган кимсаларни ким деб айтайлик? Элнинг ризқини қийиб, бамисоли боласининг оғзидаги нонини тортиб олгандек, пахтани сотишга ружу қилганлар нима деб аталади ўзи? Аслида пахта сотиш — ўғирлик, ўғирлик эса уят, қолаверса, жиноятдир. Юқорида номлари тилга олинганлар шу жиноят йўлига кирган эканлар, шунга яраша уларга қонунда кўзда тутилган чоралар кўрилади, албатта. Ачинарлиси шуки, шундан кейин ҳар қайсиси ота-онаси, оиласи, фарзандларига қай кўз билан қарайдилар, маҳаллада қандай бош кўтариб юрадилар? Бу ҳақда бугун ҳар бир киши ўйлаб кўриб, тегишли хулоса чиқариб олса, айни муддао бўларди.

**И.ЎТБОСАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ҚЎМИТА ЙИҒИЛИШИ

*ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Элбек ХОЛИҚОВ).*

Олий Мажлис Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи, Герби ва Мадҳияси тўғрисидаги қонунлар Қашқадарё вилоятида қандай ижро этилаётгани муҳокама қилинди.

Вилоятдаги ҳокимият ва маҳаллий бошқарув идораларида, судлар, прокуратура мажлислари ўтказиладиган махсус залларда, туғилиш ва никоҳ қайд этиладиган хоналарда Давлат герби қонунда кўрсатилган тарзда ўрнатилган. Тегишли муассаса ва ташкилотларнинг муҳрлари ва иш қоғозларида Давлат герби акс эттирилган.

Мазкур қонунлар ижроси юзасидан кенг тарғибот-ташвиқот ишлари яхши йўлга қўйилганига эътибор қаратилди. Вилоятда "Давлат рамзлари — муқаддас", "Мадҳиямиз — фахримиз", "Давлатимиз рамзлари — истиқлолимиз рамзи" каби мавзуларда давра суҳбати ва мулоқотлар, кўрик-танловлар мунтазам равишда ўтказилаётир.

Йиғилишда Давлат байроғи, Герби ва Мадҳияси мустақиллик, халқимиз ор-номуси, эзгу орзу-ниятларимиз рамзлари бўлгани боис ҳам уларнинг мазмун-моҳиятини янада чуқур ўрганиш, кенг тарғиб ва ташвиқ этиш зарурлиги таъкидланди.

## *2003 йил — Обод маҳалла йили*

*Пойтахтимизнинг Амир Темур шоҳкўчасидан 2-трамвай йўналиши бўйлаб ўнгга бурилсангиз, "Бодомзор" маҳалласига кириб борасиз. Яна озгина юрсангиз, пештоқига "Мингўрик" маҳалласи" деб ёзиб қўйилган ғиштин аркка дуч келасиз. Уни одамлар завқланиб томоша қилишади. "Гўзаллик салони"дан соч-соқол олдирадиган эркаклару пардозталаб қиз-жувонлар аримайди. "Булар қачон қурилган?" деб сўрасангиз, "Тойир Султонов раис бўлган пайтда", деган жавобни эшитасиз...*

# ОҚСОҚОЛ ҚАДРИ

Ҳа, айтганча, бу маҳаллага Тойир Султоновдан олдин уруш ва меҳнат фахрийси Умар Нажимов ўттиз йилча бош-қош бўлди. Раҳматли серғайрат, ҳалол, диёнатли, барчага баробар одам эди. Саводи камроқ, қўли имзо чекишга зўрға келишса ҳам, катта-кичикнинг кўнглини топарди. Тўқсонинчи йил бошларида "Энди мен қариб қолдим, раисликка ёшлардан бирортасини сайланглар", дея жамоадан изн сўради. Пировардида бу вазифага ўзи муносиб топган беш кишининг, жумладан, Тойир Султоновнинг ҳам номзодини кўрсатди.

Ёпиқ, яширин овоз беришда Тойир Султонов энг кўп овоз олди. Сўнгра ғайрат билан ишга киришди. Каттани ака, кичикни ука, деди. Кексалар ҳурматини жойига қўйди. Айниқса, ободончиликка зўр берди. Сув бўйидаги чойхонани қуриш ва таъмирлашда фаол иштирок этди. Маҳаллага янги, шинам бино барпо этиш асноси бетон қўйиш, ғишт ташиш, лой-сувоқ каби ишлар бошида турди. Ўғли Обиджонни, куёви Дилмуродни, маҳалла йигитлари Икром, Тўравой, Акмал ва бошқаларни ёнига олди. Шу гўшадан урушга кетиб, шаҳид бўлган 52 киши хотирасига ёдгорлик тоши ўрнатишда, кўчаларга асфальт ётқизишда, сув қувурлари, электр симлари тортиб келишда ташаббускорлик кўрсатди. Нон, озиқ-овқат дўкони қурдирди, мактаб-боғчалардан кўмагини аямади. Беш минг кишилик 740 хонадоннинг тўй-ҳашами, таъзия-маъракаларини тинч-хотиржам ўтказишга интилди. Ночор оилаларга ёрдамлар уюштириб, савобга қолди. Шу тариқа ҳам ўн бир йил (орада танаффуси билан) маҳаллага раислик қилди, ҳам "Ўзбексаноатқурилиш" банкида бош энергетик вазифасини бажарди.

"Орада танаффуси билан" деган гапимизга ажабланманг, сабабини айтаман: тўрт-беш йилча бурун файзли маҳаллага, яхши оқсоқолга кўз тегдими, ортиқча гап-сўз, ноўрин "ёз-ёз"лар пайдо бўлди. Шунга кўра, ҳокимиятдан масъуллар келиб, мажлислар ўтказишди. Аммо пичоққа илинадиган айб топишолмади. Юзага келган асабий вазият барибир Тойир Султоновга таъсир қилди. Шунданми, дабдурустдан ариза бериб, оқсоқолликни топширди. Бу ҳолни кўриб бир гуруҳ одам ўзича зимдан тантана қилди. Кўпчилик ачинди, "Аттанг!" деди...

Орадан салкам уч йил ўтиб, 105-мактабда янги оқсоқол сайлаш мажлиси бўлди. Раисликка бир неча кишининг номзоди қўйилди. Кўпчилик Т. Султоновни мажлис ҳайъатига сайлашни ва раисликка унинг ҳам номзоди киритилишини илтимос қилди. У эса ҳаммани лол қолдириб, туйқус ўз номзодини қайтариб олди...

Биз маҳалла фаоллари, ким оқсоқол бўлмасин, доимо ёнида турдик. Турли тадбирларни, тўй-маъракаларни ўтказишда баҳоли қудрат иштирок этдик. Шу жараёнда бир нарсани аниқ ҳис этдик: маҳалла оқсоқоли бўлиш учун ноёб истеъдод, ташаббускорлик, тадбиркорлик, куч-ғайрат, инсоф-адолат ва кўпчиликнинг меҳр-ихлосини қозониш керак. Оқсоқол, албатта, ёши улуғ бўлиши шарт эмас. Муҳими, дунёқараши кенг, савияси баланд, маҳалла осойишталиги ва ободлиги, аҳоли фаровонлиги, жамоа аҳиллиги учун жон куйдирувчи, ҳаммани бирдек баравар кўрувчи, хушмуомалали, камтар ва қатъиятли бўлиши керак. Бу сифатлар Тойир Султоновда мужассамлиги боис у ўтган йили бир овоздан яна оқсоқолликка сайланди. Кўп ўтмай маҳалламиздаги ишлар аввалгидек юришиб кетди.

— Ҳозир маҳалла гузари ва тўйхонага катта зарурат сезиб турибмиз, — дейди оқсоқол куюнчаклик билан. — "Интерконтинентал", "Радиссон" меҳмонхоналари бизга яқин. Чет элликларда ўзбек тўй-маросимларини кўришга қизиқиш кучли. Баъзан маҳалламизга ҳам келиб қолишади. Хонадонларимизда меҳмон бўлишади. Шунақа пайтда тўйхона бўлганига нима етсин?!. Аслида-ку, еримиз бор, фақат шу... қуриб берадиган ҳомий ташкилот топилса, бас".

"Мингўрик"ни, эҳтимол, ҳозирча шаҳримизнинг намунали маҳаллалари қаторига қўшиб бўлмас. Лекин унинг ишбилармон оқсоқоли, уюшган жамоаси бор. Демак, вақти-соати етиб у энг илғор, энг ибратли маҳаллалардан бирига айланишига шубҳа йўқ.

**Сайди УМИРОВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси.**

Қирқиш чизиғи

Қоғоз жисмдаги ҳужжат шаклидаги электрон рақамли имзо калити сертификати икки нусхада расмийлаштирилади. Бундай сертификатнинг ҳар бир нусхаси рўйхатга олиш марказининг ваколатли шахси томонидан имзоланиши ва рўйхатга олиш марказининг муҳри билан тасдиқланиши керак. Электрон рақамли имзо калити сертификатининг бир нусхаси электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити эгасига берилади, бошқа нусхаси эса рўйхатга олиш марказида сақланади.

Электрон ҳужжатлар шаклидаги электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларининг нусхаларини бериш бўйича хизматлар рўйхатга олиш маркази томонидан бепул кўрсатилади.

**13-модда. Электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туриш**

Электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилиши электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити эгаси аризаси асосида, аризада кўрсатилган муддатга, лекин мазкур сертификатнинг амал қилиш муддатидан ошмаган вақтга рўйхатга олиш маркази томонидан тўхтатиб турилиши мумкин.

Электрон рақамли имзо ёпиқ калити эгасининг электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги аризаси тушганда рўйхатга олиш маркази электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларининг реестрига тегишли ёзув киритади ва бир вақтнинг ўзида бу ҳақда электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасини хабардор қилади.

Электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилиши тўхтатиб турилган муддат ичида рўйхатга олиш маркази электрон рақамли имзо ёпиқ калити эгасининг аризасига биноан мазкур сертификатнинг амал қилишини қайта тиклаши мумкин.

**14-модда. Электрон рақамли имзо калити сертификатини бекор қилиш**

Электрон рақамли имзо калити сертификати электрон рақамли имзо ёпиқ калити эгасининг аризаси асосида рўйхатга олиш маркази томонидан бекор қилиниши мумкин.

Рўйхатга олиш маркази қуйидаги ҳолларда, электрон рақамли имзо ёпиқ калити эгасининг розилигидан қатъи назар, электрон рақамли имзо калити сертификатини бекор қилиши шарт, агар:

мазкур сертификатнинг амал қилиш муддати тугаган бўлса;

электрон рақамли имзо калити сертификати берилишига асос бўлган ҳужжатнинг амал қилиши тугатилганлиги ишонарли тарзда аён бўлиб қолса;

электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити эгаси ушбу Қонун 8-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ҳоллари аниқланган бўлса.

Электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туриш муддати тугаган ва электрон рақамли имзо ёпиқ калити эгасининг уни қайта тиклаш учун аризаси бўлмаган тақдирда ҳам электрон рақамли имзо калити сертификати бекор қилиниши керак.

Электрон рақамли имзо калити сертификатини бекор қилиш электрон рақамли имзо ёпиқ калити эгасининг аризаси олинган ёки ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида баён қилинган ҳолатлар юзага келган кунда рўйхатга олиш маркази томонидан амалга оширилади.

Электрон рақамли имзо калити сертификатини бекор қилиш тўғрисидаги ёзув рўйхатга олиш маркази томонидан электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларининг реестрига киритилиб, бу ҳақда электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити эгаси

6

Буклаш чизиғи

*Лойиҳа*

*Ўзбекистон Республикасининг*

*ҚОНУНИ*

## ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ИМЗО ТЎҒРИСИДА

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Электрон рақамли имзо тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Электрон рақамли имзо тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг электрон рақамли имзо тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**электрон рақамли имзо** — электрон ҳужжатнинг мазкур электрон ҳужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолдаги махсус ўзгартиришлар натижасида олинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очиқ калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда бузилишлар йўқлигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасини идентификациялаш имкониятини берадиган имзоси;

**электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити** — электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланган ҳолда олинган, фақат имзо қўювчи шахсга маълум бўлган ва электрон ҳужжатда электрон рақамли имзо тузиш учун мўлжалланган рамзлар кетма-кетлиги;

**электрон рақамли имзонинг очиқ калити** — электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланган ҳолда олинган, электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитига мос келувчи, ахборот тизимининг ҳар қандай фойдаланувчиси фойдалана оладиган ва электрон ҳужжатдаги электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун мўлжалланган рамзлар кетма-кетлиги;

**электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш** — электрон рақамли имзонинг электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасига тегишлилигини ва электрон ҳужжатда бузилишлар йўқлигини текширишнинг ижобий натижаси.

**4-модда. Электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш**

Электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва у махсус ваколат берган орган амалга оширади.

Махсус ваколатли орган:

электрон рақамли имзодан фойдаланиш стандартлари, нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқади;

электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказларини (бундан буён матнда рўйхатга олиш маркази деб юритилади) давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширади;

рўйхатга олиш марказлари ваколатли шахсларининг электрон ра-

3

Қирқиш чизиғи

*Ўзбекистон Республикаси*

*Олий Мажлисининг*

*ҚАРОРИ*

## «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси биринчи ўқишда маъқуллансин.

2. "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталарида эълон қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси тушган таклифларни манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргаликда умумлаштирсин ҳамда "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг маромига етказилган лойиҳасини Олий Мажлис муҳокамасига киритсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси**
**Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 30 август.

2

Буклаш чизиғи

хабардор қилинади.

**15-модда. Электрон рақамли имзо калити сертификатини рўйхатга олиш марказида сақлаш тартиби**

Электрон ҳужжат шаклидаги электрон рақамли имзо калити сертификатини рўйхатга олиш марказида сақлаш тартиби ҳамда муддати рўйхатга олиш маркази ва электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити эгаси ўртасидаги шартнома билан белгиланади.

Электрон ҳужжат шаклидаги электрон рақамли имзо калитининг бекор қилинган сертификати рўйхатга олиш марказида камида уч йил сақланади.

Электрон ҳужжат шаклидаги электрон рақамли имзо калити сертификатини сақлаш муддати тугагандан кейин, у рўйхатга олиш марказининг электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларининг реестридан чиқарилади ва архивда сақлаш режимига ўтказилади.

Қоғоз жисмдаги ҳужжат шаклидаги электрон рақамли имзо калити сертификати қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сақланади.

Электрон рақамли имзо калити сертификати йўқотилган тақдирда, рўйхатга олиш маркази электрон рақамли имзо калити сертификатининг дубликатини бериши мумкин. Электрон рақамли имзо калити сертификатининг дубликатини бериш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

**16-модда. Рўйхатга олиш маркази**

Махсус ваколатли органда давлат рўйхатидан ўтган ва ушбу Қонунда назарда тутилган вазифаларни бажарадиган юридик шахс рўйхатга олиш маркази бўлиши мумкин.

Рўйхатга олиш маркази:

электрон рақамли имзоларнинг ёпиқ ва очиқ калитларини тузади;

электрон рақамли имзо ёпиқ калити эгасининг ёпиқ калити муҳофаза қилинишини таъминлайди;

электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларининг реестрини юритади, унинг ўз вақтида янгиланишини ҳамда ундан юридик ва жисмоний шахслар эркин фойдаланиши имкониятини таъминлайди;

юридик ва жисмоний шахсларга электрон ҳужжатлар шаклидаги ва қоғоз жисмдаги ҳужжатлар шаклидаги электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларини беради;

электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларининг амал қилишини тўхтатиб туради ва қайта тиклайди, шунингдек уларни бекор қилади;

юридик ва жисмоний шахсларнинг аризаларига биноан электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларининг нусхалари берилишини, шунингдек электрон рақамли имзолар калитларининг тўхтатиб турилган ва бекор қилинган сертификатлари тўғрисидаги маълумотлардан эркин фойдаланилишини таъминлайди;

юридик ва жисмоний шахсларнинг аризаларига биноан электрон ҳужжатлардаги электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлашни амалга оширади;

электрон рақамли имзо билан имзоланган қоғоз жисмлардаги электрон ҳужжатларнинг нусхаларини тасдиқлайди;

электрон рақамли имзо калити сертификатидан бундан буён фойдаланиш имкониятига таъсир этиши мумкин бўлган ҳоллар ҳақида электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити эгасини хабардор қилади;

электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити эгаларини электрон

7

# МИНТАҚАВИЙ ИНТЕГРАЦИЯ РОСМАНА ИҚТИСОДИЙ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ

## (Зотан, ҳеч қандай пиар ташвиқотлари амалий иш ўрнини боса олмайди)

*Бугунги глобаллашув асрида интеграция масалалари сайёрамизнинг турли бурчакларида яшаётган халқлар учун тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Зотан, интеграция тушунчаси қуруқ сафсатабозликдан иборат эмас. Унинг ҳақиқий иқтисодий саъй-ҳаракатлар, аниқ одимларга боғлиқ экани кенг эътироф этилмоқда. Ҳар бир тангaнинг ҳам саноғи бўлгани каби, барча ишларда ҳам зийрак мутахассис ҳисоби зарурлиги аён.*

*Кўп асрлар давомида мамлакатимиз ўзининг муҳим жуғрофий ва сиёсий ўрни туфайли Шарқ билан Ғарб ўртасида ўзига хос боғловчи кўприк вазифасини ўтаган. Давлатимиз ҳудуди орқали ўтган қадимги карвон йўллари Буюк Ипак йўли халқлари ўртасида савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларнинг узлуксиз ривожига хизмат қилган.*

Бу алоқалар изини бугун ҳам энг олис мамлакатларда кузатиш мумкин. Чунончи, кунчиқар мамлакат — Япониянинг кўҳна Нара шаҳрида ўтмиш асрларига оид ҳамда ўз шакли ва тўқилишига кўра машҳур Марғилон хонатласига жуда ўхшаш бўлган қадимий мато нусхалари топилган. Ўша ернинг ўзида Афросиёб шаҳрида топилган қадимий буюмларни эслатувчи деворга ўйиб ишланган расмлар аниқланган.

Ўзбек сандалидан кам фарқланувчи "кататсу" бугунги кунда ҳам аксарият япон оилалари ҳаёт тарзининг ажралмас белгиси ҳисобланади.

Маданий ва тарихий илдизлари муштарак бўлган Марказий Осиё минтақаси халқлари, айниқса, бой маданий ришталар билан бир-бирига боғланган. Шу боис ҳам мазкур минтақада яшовчи халқлар ўзаро интеграциялашувга интилишаётгани табиий ҳол. Бутун минтақанинг келажак тараққиёти ана шу интеграциялашув жараёнларининг муқаррарлиги ва узлуксиз ривожига боғлиқ.

Ушбу тарихий заруратни тўла англаган Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини эълон қилган кундан бошлаб бутун Марказий Осиё минтақасида интеграциялашув жараёнларини ривожлантиришга қаратилган изчил сиёсатни амалга оширмоқда. Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, Ўзбекистоннинг ушбу ташаббуслари оддий пиар ташвиқоти намойиши эмас, балки ҳозирги замон талабларини чуқур англаган ҳолда мамлакат раҳбарияти ва аввало, Президент Ислом Каримовнинг ирода ва интилишларидан далолатдир. Бу саъй-ҳаракатлар Марказий Осиё халқларининг узвий тарихий ришталарига асосланган кўп томонлама ҳамкорлик ва шерикликнинг кенг сиёсий платформасини яратишга қаратилган.

Ўзбекистоннинг минтақавий интеграциялашув йўлидаги изчил ва фаол қадамлари хусусида қатор далиллар шаҳодат беради. 1993 йилнинг июнь ойидаёқ Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида 1994-2000 йилларда иқтисодий интеграциялашувни чуқурлаштириш чоралари тўғрисида шартнома имзоланган эди. Интеграциялашув жараёнлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида икки мамлакат 1994 йилнинг январида Ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги шартномага имзо чекди ва кейинроқ Қирғизистон Республикаси унга қўшилди. Ўша йилнинг 30 апрелида Ўзбекистон ташаббуси билан Чўлпон Ота шаҳрида Ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги уч томонлама шартнома имзоланди. Кейинчалик — 1998 йил мартида мазкур шартномага Тожикистон Республикаси қўшилди.

Ўша йилнинг июлида ушбу мамлакатлардан ташкил топган Марказий Осиё минтақавий уюшмаси атамасининг "Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти" (МОИҲ), деб тасдиқланиши минтақавий интеграциялашувни кенгайтириш йўлидаги навбатдаги қадам бўлди.

Шу ўринда таъкидламоқ ўринли бўладики, совет империяси парчаланган кундан бошлаб Ўзбекистон Республикаси минтақа доирасида иқтисодий интеграциялашув сиёсатини изчил амалга оширди ва ўз саъй-ҳаракатлари билан бошқа мамлакатларни ҳам ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга чорлади.

Ўзбекистон Президенти И. Каримов МОИҲ давлат раҳбарларининг 2000 йилнинг июнида Душанбеда бўлиб ўтган кенгашида Марказий Осиё минтақавий ҳамкорлигини янада чуқурлаштириш учун қўшимча чоралар кўриш ва минтақанинг кўптомонлама ҳамкорлик тузилмалари фаолиятини такомиллаштиришга доир ташаббусни илгари сурди. Ушбу ташаббусни мантиқий давом эттириб, мамлакатимиз раҳбари 2001 йилнинг 28 декабрида Тошкентда бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари саммитида МОИҲ фаолияти доирасини кенгайтириш ва уни "Марказий Осиё ҳамкорлик ташкилоти" (МОҲТ) га айлантириш таклифини ўртага ташлади. Мазкур таклиф бир овоздан қўллаб-қувватланди ва учрашувнинг якуний ҳужжати — "Тошкент баёноти"да қайд этилди.

Марказий Осиё давлат раҳбарларининг 2002 йилнинг февралида Алматидаги саммитида МОҲТ ташкил этиш тўғрисидаги шартнома имзоланди ҳамда миллий мувофиқлаштирувчилар институти яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов МОҲТнинг биринчи раиси этиб сайланди.

Шубҳасиз, МОИҲнинг МОҲТга ўзгартирилиши халқларимиз ҳаётида долзарб аҳамиятга эга бўлган муҳим воқеа бўлди. Минтақадаги интеграциялашув жараёнлари хусусида сўз борар экан, уларни, шубҳасиз, умумжаҳон глобаллашув муҳити доирасида баҳолаш керак. Зеро, давлатлар ўртасида тез суръатларда янги муносабатлар шаклланаётган даврда Марказий Осиёнинг жуғрофий-сиёсий ва иқтисодий аҳамияти, умумбашарият хавфсизлиги тизимидаги роли ортмоқда.

Бошқа мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан амалий ҳамкорлик қилишга тайёрлик, ўз фаолиятининг ўзга мамлакатлар ва бошқа кўптомонлама тузилмаларга қарши қаратилмаганлиги МОҲТнинг ажралмас тамойилларига айланди.

МОИҲнинг МОҲТга ўзгартирилишининг муҳим натижаларидан бири — бу фақат иқтисодиёт билан чекланиб қолмаган масалалар доирасининг кенгайиши ҳам бўлди.

Ташкилот доирасида Марказий Осиёда долзарб аҳамият касб этаётган муаммолар, жумладан, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, Афғонистонни қайта тиклаш ҳамда гуманитар соҳадаги ҳамкорлиқ каби мавзулар юзасидан очиқ сиёсий мулоқотлар ўтказилмоқда. Минтақанинг ажралмас қисми бўлган Афғонистонда ҳамжиҳатликда иш олиб бориш учун мустаҳкам асос яратилди.

Айтиш жоизки, МОҲТ фаолияти ўзининг демократия ва ҳурфикрлилик тамойилларига асосланганi, жўшқин ҳамда мослашувчан табиати билан ажралиб туради.

Шу ўринда унинг қандайдир сиёсий пиар ташвиқотларини тайёрлаш ҳамда уни амалга ошириш учун яратилган тузилма эмаслигини яна бир бор таъкидлаш жоиз. Аксинча, МОҲТ минтақа мамлакатларининг иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришга қаратилган, узоқни кўзловчи режаларни ҳаётга татбиқ этиш учун юксак салоҳиятга эга бўлган халқаро ташкилотдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг МОҲТ раиси этиб сайланиши ташкилот фаолиятини сезиларли даражада жадаллаштирди. Хусусан, бир йилдан кўпроқ вақт мобайнида ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари Алмати, Оқтау, Душанбе, Остана ҳамда Тошкент шаҳарларида олти маротаба учрашдилар.

Аъзо мамлакатларнинг парламентлараро алоқаларининг жадаллашуви минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлида ҳамкорликнинг янги қирраларини кашф этиш, давлатлараро муносабатларни чуқурлаштириш, МОҲТ доирасида интеграциялашув жараёнинг ривожланиши ҳамда истиқболи учун катта аҳамият касб этади.

Шу маънода, Ўзбекистон ташаббуси билан 2002 йилнинг ноябрь ойида МОҲТга аъзо мамлакатлар парламентлари вакилларининг Тошкентда бўлиб ўтган учрашуви давомида парламентлараро ҳамкорлик институтини жорий этиш — аъзо мамлакатлар парламент вакилларининг кенгашини тузиш хусусидаги қарорининг қабул қилиниши долзарб аҳамиятга эга бўлди.

Мамлакатимизнинг МОҲТга раислик қилиши билан бирга, Ўзбекистон зиммасига юкланган масъулиятни ҳис этган ҳолда, ҳукуматимиз томонидан ташкилот фаолиятини жадаллаштиришга қаратилган қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, 2002 йилнинг август ойида пойтахтимиз Тошкентда МОҲТга аъзо мамлакатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳамда хавфсизлик хизматлари раҳбарларининг диний экстремизм ва фанатизм экспанциясининг олдини олиш борасида ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган кенгаши бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз ташаббуси билан МОҲТ доирасида аъзо мамлакатларнинг иқтисодий доиралари ҳамкорлиги сезиларли даражада фаоллашди.

2002 йилнинг ноябрь ойида Тошкентда, 2003 йилнинг июль ойида Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида МОҲТга аъзо давлатлар тадбиркор ҳамда ишбилармон доираларининг бизнес анжумани бўлиб ўтди.

Учрашувлар чоғида иқтисодий ҳамкорликнинг аҳволи ҳамда истиқболлари, қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш, корхоналар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодиётига чет эл сармояларини жалб қилиш масалалари муҳокама этилди.

Айтиш жоизки, бўлиб ўтган бизнес анжуманлар минтақамиз мамлакатлари ҳамда халқлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тарихининг янги саҳифасини очиб берди.

Анжуманлардан аён бўлдики, МОҲТга аъзо мамлакатлар тадбиркор ва ишбилармон доиралари вакиллари минтақада ўзаро иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда қўшма лойиҳаларни амалга оширишга катта қизиқиш билан қарайдилар.

Тадбирлар давомида МОҲТ доирасидаги интеграция жараёнларига иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари киритилиши ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосларини мустаҳкамлаш воситаси бўлиб хизмат қилиши эътироф этилди.

МОҲТ ташкил топган вақтдан буён халқларимиз ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ялпи ривожланиш, кўп томонлама ҳамкорлик механизми ва воситаларини шакллантириш борасида муҳим қадамлар ташланди.

Айни чоғда, давлатимиз раҳбари таъкидлаб ўтганидек, ушбу жараён интеграцияни секинлаштиришга олиб келадиган навбатдаги бюрократик тузилмаларни барпо этиш эмас, балки кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда халқларимизнинг тарихий қон-қардошлик ришталарига асосланган кенг сиёсий маконнинг яратилиши сифатида тушунилмоғи даркор.

Муҳими, мамлакатимизнинг МОҲТ доирасидаги ташаббуслари жаҳоннинг илғор сиёсий ҳамда молиявий ташкилотлари томонидан қўллаб-қувватланди. Хусусан, Осиё Тараққиёт банки, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки ҳамда БМТ тараққиёт дастури томонидан олқишланди.

Мазкур ташкилот вакиллари дастурий ҳужжатларни тайёрлашда ўз маслаҳатлари билан ёрдам беришга тайёр эканликларини, Марказий Осиёдаги сув-энергетика заҳиралари, транспорт савдоси соҳаларида олиб борган ўз тадқиқотлари натижалари билан ўртоқлашишларини билдиришди.

Нуфузли халқаро моливий ташкилот — ЕТТБ ўзининг шу йил май ойида Тошкентда ўтган директорлар кенгашининг йиллик йиғилишида Марказий Осиё минтақасидаги интеграция жараёнларини қўллаб-қувватлади.

МОҲТ доирасидаги интеграциялашув жараёнлари ривожини Америка Қўшма Штатларининг етакчи сиёсий ва ишбилармон доиралари вакиллари ҳам қувватлашмоқда.

МОҲТ фаолиятининг иқтисодий истиқболлари ҳақида фикр билдириб, Карнеги Фондининг етакчи мутахассиси А. Ливен "Марказий Осиё давлатларининг мустақиллик йилларидаги иқтисоди турли йўллар ва суръатлар билан ривожланди ва айни пайтда хусусийлаштириш, хорижий капитални жалб қилиш, банк тизими ва фонд бозори каби соҳаларда турли ривожланиш босқичларида турибди. Бошқа томондан олиб қараганда, МОҲТга аъзо давлатлар бугунги кунда ўз иқтисодиётларининг устувор йўналишларини аниқ белгилаб олганлар", деди.

Америка мутахассисларининг фикрича, Афғонистоннинг Марказий Осиё минтақавий ҳамкорлигига қўшилиши МОҲТ фаолиятини ривожлантириш омилларидан бири бўлиши мумкин.

Ж.Хопкинс университетининг Марказий Осиё ва Кавказ институти директори Ф.Старрнинг фикрича, "МОҲТнинг самардорлиги ва давомийлиги, энг аввало, аъзо давлатлар президентларининг сиёсий иродаси ва самимий интилишларига, мамлакатлардаги ички барқарорлик, шунингдек, ушбу давлатлар миллий манфаатларини имкон қадар ҳисобга олган ҳолда бундай иттифоқ уларга қандай устунлик ва имтиёзлар ато этишига боғлиқ бўлади".

Аксарият европалик мутахассислар МОҲТни Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштиришга хизмат қилаётган ташкилот сифатида унинг фаолиятини қўллаб-қувватлашмоқда, Ўзбекистоннинг МОҲТ доирасидаги роли ва ўрнига юқори баҳо беришмоқда. Европалик мутахассислар МОҲТга аъзо давлатларнинг Марказий Осиё интеграциялашувини мустаҳкамлаш борасида олиб бораётган уйғун ҳамкорлигини алоҳида таъкидламоқдалар.

Европа ҳамжамияти шу йилнинг январь ойида Брюсселда ўтган "Ўзбекистон — ЕИ" ҳамкорлик кенгашининг тўртинчи мажлиси давомида МОҲТни барпо этиш тўғрисидаги шартномани олқишлади.

Шу ўринда минтақавий интеграциянинг янада фаол тараққий этиши учун тўсқинлик қилаётган баъзи салбий ҳолатларга ҳам тўхталиб ўтиш ўринли бўлади. Жумладан, кўзга ташланадиган нарса шуки, минтақа давлатларининг баъзи раҳбарлари кўпинча интеграция жараёнларини ривожлантиришга қаратилган турли ташаббусларни илгари суришмоқда, аммо ўз сўзларини иш билан тасдиқлашга унчалик шошилишмаяпти ва ҳақиқий интеграция жараёнининг оқими билан умуман алоқадор бўлмаган хом хаёл таклифлардан нарига ўтишмаяпти.

Шу ўринда афсус билан таъкидлаш керакки, Ўзбекистон ўзининг раислик вазифасини тамомлагач, МОҲТнинг фаолияти кўп жабҳаларда ўзининг таъсирчанлик кучини йўқотгандек бўлди.

МДҲ давлат раҳбарлари иштирокида ўтган сўнгги саммит ҳам шуни кўрсатдики, гарчи баъзи давлат раҳбарлари интеграция тараққиётининг келажаги ҳақида оғзаки фикр билдиришса-да, иш жараёнида тескари фаолият билан банд бўлмоқдалар, минтақанинг муаммоларини унутиб қўйишмоқда. Антиинтеграция билан ўралашиб қолаётганликлари туфайли ташкилотнинг ички интеграцияси ва Марказий Осиё минтақаси билан боғлиқ аҳвол аянчли ҳолатга ташлаб қўйилмоқда.

Шунингдек, сиёсатда хоҳлаганча баёнот бериш, эркин нутқ сўзлаш, бемалол сиёсий чайқовчилик билан шуғулланиш ва турли бюрократик руҳдаги гуруҳлар тузиш мумкин. Аслида эса буларнинг ҳаммаси битта мақсад — арзон сиёсий капитал тўплаш учун амалга оширилади.

Интеграция ҳақида сўз юритганда, бу жараёнда иштирок этаётган давлатлар учун тенг имконият берилиши каби катта аҳамиятга молик омилни ҳам эътиборда тутиш керак. Аниқроқ қилиб айтсак, халқаро ҳужжатлар ва қонунчилик меъёрларини тайёрлашда, жумладан, солиқ тўплаш, божхона йиғимлари, транзит ҳаракат сингари масалаларда зийрак ва одил ёндашув зарур.

Энг аввало, аъзо давлатларнинг ўзаро якдиллиги, баландпарвоз сўзлардан ҳақиқий очиқ ҳамкорликка ўтиш йўлидаги интилишлари ташкилотни ҳаракатга келтирувчи ва унинг самарадорлигини белгиловчи асосий куч бўлмоғи даркор. Бу минтақадаги интеграциялашув жараёнларини халқларимиз манфаати йўлида ривожлантиришга хизмат қилади.

МОҲТ каби ушбу жиддий ва муҳим ташкилотнинг келажаги ҳақида гапирганда, шуни унутмаслик керакки, фақат баландпарвоз пиар ташвиқотлари билан амалий иш ўрнини босиш ва интеграциянинг янги босқичларига кўтарилиши мумкин эмас.

Яна бир гап, интеграция сиёсатбозликка асосланган шахсий нафсониятни қондириш учун эмас, балки, аввало, халқларнинг ўзаро яқинлашуви, ижтимоий ўзгаришлар, иқтисодий ислоҳотлар ва минтақавий ҳамкорлик тараққиёти учун хизмат қилиши керак. Буларнинг барчаси минтақа халқларининг жаҳондаги глобал жараёнлар иштирокчисига айланишига ва ҳаётий кундалик муаммоларини ўзлари ҳал қилишларига имкон яратади.

**З. МУЗАФФАРОВ,**
**сиёсий шарҳловчи.**

*Ташкилот ва корхоналар диққатига!*

**Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бўйича республика бошқармасининг САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ**

*қуйидаги иншоотни қуриб, тўлиқ фойдаланишга топшириш шарти билан танлов савдолари (тендер) ўтказилишини эълон қилади:*

**Самарқанд вилояти, Нуробод тумани, «Ўзбекистон» ширкат хўжалигида насос станцияси қурилиши.**

**Буюртмачи — Самарқанд шаҳар 12-сон қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси.**
**Манзили — Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси. Телефон: 34-37-13.**
**Қурилиш ишлари давлат инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.**

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга: етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятлар, танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги бўш айланма маблағлар ва материаллар заҳирасига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бўйича республика бошқармасининг Самарқанд вилояти филиалига қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: **Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус 2-«Г», 208-хона. Телефонлар: 31-13-51, 33-32-00.**

*Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 40000 сўм.*

**Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб, 30 кундан кейин вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.**

**АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ номидаги**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

*қуйидаги ихтисосликлар бўйича докторантура ва аспирантурага қабул эълон қилади.*

**ДОКТОРАНТУРА**

**04.00.06** — гидрогеология;
**05.13.01** — техник тизимларда бошқарув;
**05.17.08** — кимё технологиясининг ускуналари ва жараёнлари.

**АСПИРАНТУРА**

*Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун*

**01.01.02** — дифференциал тенгламалар;
**01.04.04** — физика электроникаси;
**01.04.10** — ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси;
**04.00.06** — гидрогеология;
**04.00.22** — геофизика;
**05.02.01** — машинасозликда материалшунослик (тармоқлар бўйича);
**05.02.04** — машиналарда ишқаланиш ва ейилиш;
**05.02.08** — машинасозлик технологияси;
**05.03.06** — пайвандлаш саноати машина ва технологияси;
**05.09.05** — назарий электротехника;
**05.11.13** — табиий муҳит, моддалар, материаллар ва буюмларни текшириш асбоблари ва усуллари;
**05.13.01** — техник тизимларда бошқарув;
**05.13.05** — ҳисоблаш техникаси ва бошқарув тизимларининг қисмлари ва қурилмалари;
**05.13.07** — технологик жараён ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш;
**05.13.16** — илмий тадқиқотларда ҳисоблаш техникасини, математик моделлаштириш ва математик усулларни қўллаш;
**05.14.02** — электр станциялар, электро-энергетика тармоқлари ва уларни бошқариш;
**05.15.06** — нефть ва газ конларини ишга солиш ва улардан фойдаланиш;
**05.17.04** — оғир (ёки асосий) органик синтез маҳсулотлари технологияси;
**05.17.08** — кимё технология ускуналари ва жараёнлари;
**05.20.04** — қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги машиналари;
**05.21.03** — ёғочни кимёвий қайта ишлаш технологияси ва қурилмалари;
**07.00.02** — Ўзбекистон тарихи;
**08.00.01** — иқтисодий назария;
**08.00.04** — микроиқтисодиёт;
**08.00.05** — менежмент;
**09.00.03** — фалсафа тарихи.

***Докторантура ва аспирантурага кирувчилардан ариза ва ҳужжатлар 2003 йил 20 октябргача қабул қилинади. Бошқа шаҳардан келган докторантура ва аспирантурага қабул қилинганлар кейин ётоқхона билан таъминланадилар.***

**Маълумот олиш учун аспирантура бўлимига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилинг: Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ТошДТУнинг бош биноси, 413, 415-хоналар.**
**Телефон: 118-99-16.**

**БУХОРО ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ЕНГИЛ САНОАТ ТЕХНОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ**

**ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ**

***2003/2004 ўқув йилига пулли-тўлов шартнома асосида***

**таълим тури, тили ва йўналишлари бўйича тавсия этилган абитуриентлар рўйхатини 2003 йил 3 сентябрда «Халқ сўзи» газетасида эълон қилган эди. Шу абитуриентлардан бўш (вакант) қолган ҳамда қўшимча ўринларга Давлат тест маркази қайдномасида навбатда турган қуйида келтирилаётган балларни тўплаган абитуриентларнинг пулли-тўлов шартнома асосида танлаган йўналишлари бўйича ариза билан қабул комиссиясига мурожаат этишларини сўраймиз.**

**Таълим шакли — кундузги, таълим тили — ўзбекча**

| Код | Таълим йўналишлари | Баллар оралиғи |
|---|---|---|
| 1001 | Бино ва иншоотлар қурилиши; Тўқимачилик саноати маҳсулотлари технологияси | 79,3 дан 56,7 гача |
| 1003 | Нефть ва нефть-газни қайта ишлаш технологияси; Тўқимачилик, енгил ва қоғоз саноати буюмлари кимёвий технологияси | 98,0 дан 60,2 гача |
| 1016 | Менежмент (соҳалар бўйича) | 137,0 дан 101,4 гача |
| 1039 | Касб таълими (ижтимоий-иқтисодий соҳа) | 127,5 дан 73,8 гача |
| 1040 | Электр энергетикаси | 100,4 дан 71,3 гача |
| 1042 | Касб таълими (техник соҳалар) | 98,1 дан 59,6 гача |
| 1047 | Озиқ-овқат технологияси | 102,4 дан 57,5 гача |
| 1052 | Нефть ва газ иши | 119,3 да 76,3 гача |
| 1056 | Технологик машиналар ва жиҳозлар | 118,1 дан 67,2 гача |
| 1057 | Касб таълими (Озиқ-овқат технологияси; Тўқимачилик, енгил ва қоғоз саноати буюмлари кимёвий технологияси) | 74.6 дан 56,7 гача |

**Таълим шакли — кундузги, таълим тили — русча**

| Код | Таълим йўналишлари | Баллар оралиғи |
|---|---|---|
| 2001 | Бино ва иншоотлар қурилиши; Тўқимачилик саноати маҳсулотлари технологияси | 67,5 дан 65,0 гача |
| 2003 | Нефть ва нефть-газни қайта ишлаш технологияси; Тўқимачилик, енгил ва қоғоз саноати буюмлари кимёвий технологияси | 71,7 дан 57,7 гача |
| 2039 | Касб таълими (ижтимоий-иқтисодий соҳа) | 140,7 дан 57,6 гача |
| 2042 | Касб таълими (техник соҳалар) | 74,7 дан 56,8 гача |

**Таълим шакли — сиртқи, таълим тили — ўзбекча**

| Код | Таълим йўналишлари | Баллар оралиғи |
|---|---|---|
| 1001 | Бино ва иншоотлар қурилиши; Тўқимачилик саноати маҳсулотлари технологияси | 121,8 дан 65,0 гача |
| 1003 | Нефть ва нефть-газни қайта ишлаш технологияси; Тўқимачилик, енгил ва қоғоз саноати буюмлари кимёвий технологияси | 130,9 дан 84,7 гача |
| 1016 | Менежмент (соҳалар бўйича) | 181,2 дан 78,6 гача |
| 1039 | Касб таълими (ижтимоий-иқтисодий соҳа) | 152,4, дан 67,1 гача |
| 1042 | Касб таълими (техник соҳалар) | 124,0 дан 79,4 гача |
| 1047 | Озиқ-овқат технологияси | 132,6 дан 57,4 гача |
| 1052 | Нефть ва газ иши | 100,5 да 60,8 гача |
| 1056 | Технологик машиналар ва жиҳозлар | 142,1 дан 60,0 гача |
| 1057 | Касб таълими (Озиқ-овқат технологияси;, Тўқимачилик, енгил ва қоғоз саноати буюмлари кимёвий технологияси) | 109,1 дан 69,2 гача |

**Таълим шакли — сиртқи, таълим тили — русча**

| Код | Таълим йўналишлари | Баллар оралиғи |
|---|---|---|
| 2003 | Нефть ва нефть-газни қайта ишлаш технологияси; Тўқимачилик, енгил ва қоғоз саноати буюмлари кимёвий технологияси | 109,5 дан 65,5 гача |

***Жадвалда келтирилган кўрсаткичларга эга бўлган абитуриентлар қабул комиссияси раиси номига ёзма ариза билан 2003 йил 1 октябргача қабул комиссиясига шахсан мурожаат этишлари сўралади.***

**Бизнинг манзил: Бухоро шаҳри, Қ.Муртазоев кўчаси, 15-уй, институтнинг 1-ўқув биноси, қабул комиссияси. Телефон: 223-74-36.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ**

**НОГИРОНЛАРНИ ТИББИЙ-ИЖТИМОИЙ ВА КАСБ БЎЙИЧА СОҒЛОМЛАШТИРИШ МИЛЛИЙ МАРКАЗИ**

*2003 йил учун аспирантурага қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади:*

- ички касалликлар (1);
- асаб касалликлари (2).

*Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: 700052, Тошкент ш., Р.Солиев к., 5-уй. Телефонлар: 35-00-72, 35-00-33.*

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети жамоаси «Жаҳон тиллари» кафедраси катта ўқитувчиси Дилбар Юлдашевага онаси
**Буниса АБЗАЛОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўздавэнергоназорат» агентлиги жамоаси бўлим бошлиғи Ботир Зокировга отаси
**Тоҳир ЗОКИРОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

